

10. GDPR (General Data Protection Regulation) — ЕС.
11. Документы OECD по этике ИИ.
12. Абдуалиева Д.Р. (2023). Совершенствование методы обучения русскому языку трудовых мигрантов на основе дистанционных технологий. Европейский научный журнал (ESJ). Том 4. 28-31 стр.
13. Абдуалиева, Д. Р. (2022). Преподавание русского языка трудовым мигрантам на основе дистанционных технологий. Integration of science, education and practice. Scientific-methodical journalL, 3(3), 267-273.
14. WMA (World Medical Association) -заявления по этике применения ИИ в медицине.

ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТГИЧЛАРИ ТАСНИФИ

Асатов Тимур Нурмухамматович

Жizzах шаҳридаги Қозон (Волгабўйи) федерал университети филиали ишлар
бошқармаси бошлиғи
uzatn8@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола молиявий таҳлилларнинг аҳамияти ва молиявий кўрсатгичлар таснифига бағишиланган. Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, молиявий ҳолатини баҳолаш ва унинг келажаги учун асосий қарорлар қабул қилишга ёрдам беришдан иборат. Мақола молиявий таҳлилнинг турли обьектлари ва кўрсаткичларини, хусусан ликвидлик, рентабеллик, молиявий барқарорлик, активлардан самарали фойдаланиш ва қарздорлик кўрсаткичларини кўриб чиқади.

Калит сўзлар: Хўжалик юритувчи субъект, молиявий таҳлил, ликвидлик, рентабеллик, молиявий барқарорлик, қарздорлик, ахборот технологиялари, автоматлаштириш, стратегик қарорлар.

КЛАССИФИКАЦИЯ ОСНОВНЫХ ФИНАНСОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

Аннотация: Данная статья посвящена значению финансового анализа и классификации финансовых показателей. Основная цель финансового анализа – повысить эффективность деятельности хозяйствующих субъектов, оценить финансовое положение и помочь принять ключевые решения на его будущее. В статье рассматриваются различные объекты и показатели финансового анализа, в частности ликвидность, рентабельность, финансовая устойчивость, эффективное использование активов и коэффициенты долга.

Ключевые слова: Хўжалик юритувчи субъект, молиявий таҳлил, ликвидлик, рентабеллик, молиявий барқарорлик, қарздорлик, ахборот технологиялари, автоматлаштириш, стратегик қарорлар.

CLASSIFICATION OF KEY FINANCIAL INDICATORS OF BUSINESS ENTITIES

Abstract: This article is devoted to the importance of financial analysis and classification of financial indicators. The main goal of financial analysis is to improve the efficiency of business entities, assess the financial position and help make key decisions for its future. The article considers various objects and indicators of financial analysis, in particular liquidity, profitability, financial stability, efficient use of assets and debt ratios.

Keywords: Хўжалик юритувчи субъект, молиявий таҳлил, ликвидлик, рентабеллик, молиявий барқарорлик, қарздорлик, ахборот технологиялари, автоматлаштириш, стратегик қарорлар.

Кириш. Барча соҳалар каби иқтисодиётни рақамлаштиришга ўтиш жараёни бугунги куннинг долзарб масалалари айланмоқда. Молиявий оқимларни бошқаришда, уларни чукур таҳлил қилиш ва шу асосида фаолият самарадорлигини ошириш учун замонавий дастурий таъминот ҳамда қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимлардан фойдаланиш мухим ахамият касб этади. Хар қандай хўжалик юритувчи субъектни молиявий ҳолатини таҳлил қилиш орқали унинг молиявий аҳволини олинган маълумотлар асосида ўрганиш, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва қолаверса, истиқболли режаларни тузиш имкониятларини юзага чиқариш учун хизмат қилади.

Молиявий кўрсатгичлар субъектининг маълум бир даврдаги молиявий ҳолати, уша давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборот манбаидир [1]. Молиявий кўрсатгичлар хўжалик юритувчи субъект фаолиятини таҳлил қилишда мухим ахамиятга эга, чунки улар ёрдамида субъектнинг ҳар томонлама самарадорлигини, фойдасини, қарз юкламасини ва бозордаги мавқеини аниқлашга ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳам сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини белгилашда - «катта маълумотлар»ни қайта ишлаш технологиялари ва сунъий интеллектни қўллаш орқали молиявий хавфларни бошқариш ва мижозларнинг тўлов қобилиятини баҳолашга эътибор қаратилган [2]. Шунингдек, молиявий хизматлар фойдаланувчиларини масофавий идентификация қилишни жорий қилиш учун норматив-хуқуқий базани такомиллаштирилиб борилган. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, банк, молия, транспорт, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, энергетика, солиқ ва бошқа устувор тармоқ ва соҳаларда сунъий интеллектни жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳалари амалга оширилган [3].

Хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришнинг асосий функцияларидан молиявий таҳлил бўлиб, жумладан таҳлилий ахборотни йиғиши, қайта ишлаш, таҳлилнинг натижаси ёрдамида қарорларни қабул қилиш (стратегик ва тактик) ҳамда уларни тартибга солиш учун илмий асос яратади. Молиявий таҳлил субъектнинг инвестициялар, пул оқимлари, мавжуд ресурслар, мажбуриятлар, фаолият самарадорлиги ва бошқарувнинг келажагига мухим дастак вазифасини бажаради.

Молиявий таҳлилнинг энг мухим обьектларига: субъект назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслари ва уларнинг молиявий тузилмаси; ликвидлиги; тўловга қобилияти; молиявий аҳволи ва унинг режалари; молиявий натижалари ва рентабеллиги; пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари; капитал ҳажми, молиявий ва иқтисодий салоҳияти; иқтисодий начорликка юз тутмаслиги, инвестицион жозибадорлик; кредитга қодирлик; молиявий аҳволи бўйича рейтинг баҳолашлар киради.

Молиявий таҳлил хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини, молия-хўжалик фаолияти натижаларини ўрганишда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларида ифодаланган кўрсаткичларга таянади. Шу билан бирга, молиявий таҳлил жараёнлари обьектив ва субъектив омилларни ўрганиш лозимлиги қайд қилиниши бежиз эмас, чунки иқтисодий жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Балки, улар маълум ички ва ташки омиллар таъсири остида рўй беради. Шу боис, таҳлилда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига, молия-хўжалик фаолияти натижасига таъсир қилган ижобий ва салбий омилларни ўрганмасдан туриб, унга тўғри баҳо бериб бўлмайди.

Хўжалик юритувчи субъектни рейтингини баҳолашда молиявий-иктисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг барча параметрларини (кўрсаткичларини) ҳисобга олиш муҳим. Уни қуришда ишлаб чиқариш салоҳияти, маҳсулот рентабеллиги, молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, маблағларнинг ҳолати ва тақсимланиши ва уларнинг манбалари кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади. Молиявий ҳолатни тўғри ва объектив баҳолаш кўрсаткичларни ўзбошимчалик билан танлашга асосланиши мумкин эмас. Шунинг учун молиявий-хўжалик фаолиятида дастлабки кўрсаткичларини танлаш ва асослаш бошқарув субъектининг аналитик баҳолашга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда унинг молия сиёсатига асосланиши керак [4].

Ташкилотлар турли хил молиявий кўрсаткичларга зга. Бироқ, молиявий натижаларнинг умумий кўрсаткичлари - бу активлар ва капитал рентабеллиги. Компаниялар регуляторлар доирасида диверсификацияланган ва мувозанатли активлар портфелини танлаш орқали ликвидлик ва яхшиланган молиявий кўрсаткичларнинг қарама-қарши икки томонлама мақсадларига эришишга ҳаракат қилишади [5].

Молиявий кўрсаткичлар компания ҳақидаги талқинларга катта ҳисса қўшади. Улар компаниянинг ҳозирги ва келажақдаги ҳолати ҳақида муҳим маслаҳатлар беради. Бошқа томондан, молиявий кўрсаткичлар билан амалга ошириладиган таҳлиллар компаниянинг акциядорлик қийматларида акс эттирилмаган кўплаб ижобий ва салбий маълумотларни аниқлаш орқали қарор қабул қилувчиларга катта фойда келтиради [6].

Бухгалтерия ҳисботлари ҳар қандай мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисботини ўрганмасдан туриб молиявий ҳолатни таҳлил қилиб бўлмайди [7]. Шундай экан, ушбу ҳисботлар хўжалик юритувчи субъектлар келажagini белгилаб беришда муҳим касб этади ва масъулиятини янада оширади.

Кўпгина тадқиқотлар молиявий кўрсаткичларнинг маълум бир тоифасига қаратилган бўлиб, молиявий кўрсаткичлар кўплаб тоифаларни қамраб олишига эътибор бермайди, уларнинг ҳар бири уша субъект фаолиятининг алоҳида томонини акс эттиради. Умуман олганда, молиявий кўрсаткичларни 10 тоифага бўлиш мумкин, хусусан: пул оқими, ўсиш қобилияти, акция кўрсаткичлари, молиялаштириш тузилмаси, қарзни тўлаш қобилияти, рентабеллик, фойда сифати, операцион қуввати, дивидендларни тақсимлаш ва нисбий қиймат [8].

Молиявий кўрсаткичларнинг асосий маълумотлар манбаи хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботлари бўлиб, унинг асосида субъект фаолияти ва унинг молиявий ҳолати баҳоланади. Хусусан, унинг фаолияти самарадорлигини ва молиявий ҳолатини баҳолаш молиявий бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим рол ўйнайди, чунки у корхонанинг узоқ муддатли фаолиятини режалаштиришда хавф-хатар ва мумкин бўлган фойдаларни баҳолаш имконини беради. Молиявий кўрсаткичларнинг аҳамиятини ўрганиш, баҳолаш ва бошқариш муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун унинг самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилиш шароитида молиявий кўрсаткичларни баҳолашнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин. Илмий адабиётларда ушбу мавзу бўйича нашрлар сони ортиб бораётганига қарамай, тадқиқотчилар молиявий самарадорлик кўрсаткичларининг моҳияти ва таркиби, шунингдек уларни ўлчаш ва баҳолаш усуллари бўйича умумий фикрга келишмаган [9].

Молиявий кўрсаткичларнинг аҳамияти ва мақсадлари. Молиявий кўрсаткичлар хўжалик субъектларининг турли соҳаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга зга. Уларнинг ёрдамида қуидаги вазифаларни бажариш мумкин:

- Хўжалик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш;
- Молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятини текшириш;
- Молиявий стратегияларни ишлаб чиқиш;
- Хўжалик раҳбариятига қарор қабул қилишда ёрдам бериш.

Молиявий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қўйидаги мақсадларда кенг қўлланилади, жумладан:

- Ички таҳлил - операцион самарадорликни баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- Ташқи таҳлил - инвесторлар, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш;
- Молиявий ҳолатини баҳолаш - рентабеллик ва ликвидлик каби кўплаб кўрсаткичларга асосланиб, сотиш ёки инвестицияларни жалб қилиш учун бизнеснинг қиймати ҳақида хулоса чиқариш, қарз юкламаларини бошқариш мумкин;
- Прогнозлаш ва режалаштириш - молиявий кўрсаткичлар келажакдаги натижаларни башорат қилиш учун ҳам асос ҳисобланади.
- Стратегик қарорларни қабул қилиш - молиявий кўрсатгичларни таҳлил қилиш орқали, стратегияни янгилаш ва молиявий мақсадларга эришиш учун зарур чораларни кўриш.

Молиявий кўрсатгичлар асосида таҳлилнинг асосий вазифаларини қўйидагича тавсифлаш мумкин:

- корхонанинг молиявий ҳолатининг асосий позицияларини ўрганиш (унинг молиявий барқарорлигини, ликвидлигини, ишбилармонлик фаоллигини баҳолаш ва бошқалар.);
- хўжалик юритувчи субъектининг ривожланиш йўналишларини аниқлаш;
- молиявий кўрсаткичларнинг келгусидаги динамикасини прогноз қилиш [10].

Таҳлил ишларини олиб борища таҳлилчи хўжалик юритувчи субъектлар таркибигадаги бошқарув ходимлари, бухгалтерлар, иқтисодчилар, менежерлар, аудиторлар, статистлар, молиячилари, маркетинг хизмати, банк ва биржалар ходимлари томонидан олиб борилиши мумкин. Бугунги куннинг замонавий таҳлилчиси муайян фаолият соҳасида таҳлилий тадқиқотлар ва умумлаштириш билан шуғулланадиган, таҳлил усусларини мукаммал ўзлаштирган, одатда жараёнларни режалаштириш ва истиқболли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлган мутахассис ҳисобланади.

Бизнинг ҳолатимизда молиявий таҳлилчи билиши лозим бўлган вазифалар қўйдагилардан иборат:

- Хўжалик субъектининг молиявий ахволи ва молиявий рискларини таҳлил қилиш;
- компания ва молия институтларини молиялаштириш учун капитал манбаларини таҳлил қилиш;
- интеллектуал капитал қийматини баҳолаш;
- инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш ва инвестиция сиёсати самарадорлигини асослаш;
- катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш кўникмалари (BigData);
- компаниянинг активлари ва мажбуриятлари портфелини бошқариш қобилияти.

Молиявий таҳлилчи асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- пул оқимларини таҳлил қилиш ва бошқариш;
- операцион самарадорликни ошириш ва рақобатдош устунликларни яратиш;
- мулқдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун юқори сифатли молиявий рискларни бошқариш;

- молия бозорининг тенденциялари, жараёнлари ва воситаларини таҳлил қилиш ва асосланган инвестиция қарорларини излаш;
- янги бозорга кириб бориш учун молиявий инновацион янги маҳсулот ва хизматларни яратиш.

Замонавий тадбиркорлик субъектининг асосий хусусияти - бу нафақат молиявий натижалар, балки мақсади ва қадриятлари, корпоратив бошқарув тизими, ривожланиши стратегияси ва уни амалга ошириш, ютуқ ва муаммолар, коррупцияга қарши кураш қоидалари, компаниянинг ходимлар ва ижтимоий ривожланишга қўшган хиссаси, атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, компания ресурсларидан фойдаланиш тӯғрисида очик ҳисобот беришdir [11].

Юқорида айтиб ўтилган молиявий таҳлил вазифаларининг муваффакиятли бажарилиши раҳбарият ва бошқарувчиларга барча зарур молиявий маълумотларга эга бўлишга, молиявий ҳолатни тавсифлашга ва корхонанинг фаолият кўрсаткичларини яхшилаш учун самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради. [12]

Молиявий кўрсаткичлари таснифилари. Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг турли усусларини ўрганиш натижасида биз молиявий кўрсаткичларнинг бешта умумий гуруҳини аниқладик. Келинг, уларни батафсил кўриб чиқайлик.

Молиявий ҳолат кўрсаткичларининг таснифи:

1. Ликвидлик коэффициентлари. Ликвидлик кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд активлардан фойдаланган ҳолда қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш қобилиятини тавсифлайди. Улар хўжалик субъектнинг молиявий барқарорлигини, шунингдек, қарзларни қисқа муддатда қоплаш қобилиятини баҳолаш учун муҳим омиллардан ҳисобланади. Асосий ликвидлик кўрсаткичлари:

1.1. Жорий ликвидлик коэффициенти (ёки айланма активлар коэффициенти):

$$\text{ЖЛК} = \frac{\text{Айланма активлар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Бу қисқа муддатли мажбуриятларнинг бир сўмга қанча сўм айланма маблағлар teng эканлигини кўрсатади. Одатда, нисбатнинг қиймати камида 1 бўлиши керак, бу хўжалик юритувчи субъектнинг қарзларини тўлаш қобилиятини кўрсатади.

1.2. Тез ликвидлик коэффициенти:

$$\text{ТЛК} = \frac{\text{Айланма активлар} - \text{Захиралар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Ушбу кўрсаткич қисқа муддатда сотилиши қийин бўлган захираларни чиқариб ташлайди. У энг ликвидли активлардан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг қарзларни тўлаш қобилиятини аниқроқ акс эттиради. Хўжалик юритувчи субъект мавжуд кредитлари ва ҳисоб-китобларини жорий мажбуриятлар билан солишистирганда фақат нақд пул, қимматли қоғозлар ва дебиторлик қарзлари билан тўлаши мумкинлигини акс эттиради.

1.3. Мутлақ ликвидлик коэффициенти:

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Пул маблағлари} + \text{Қисқа муддатли капитал} \text{ кўйилмалар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Ушбу кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектнинг қисқа муддатли қарзларини тўлаш учун қанча пул ва юқори ликвидли активлардан фойдаланиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда қисқа муддатли мажбуриятларини энг қисқа вақт ичida мутлақо ликвидли активлар билан қоплашга қодирлигини акс эттиради, яъни фақат сотиладиган қимматли қоғозлар ва депозитлар кўринишидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидан фойдаланилади.

2. Рентабеллик кўрсаткичлари. Даромадлилик кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектнинг рентабеллик даражасини ва унинг турли омилларга (активлар, капитал,

даромад ва бошқалар) қараб фойда олиш қобилиягини акс эттиради. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари:

2.1. Активларнинг рентабеллиги (ROA, Return on Assets):

$$РК = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{ўртача активлар}} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткич фойда олиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг барча активларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди.

2.2. Капиталнинг рентабеллиги (ROE, Return on Equity):

$$КР = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{ўртача ўз капитали}} \times 100\%$$

Бу хўжалик юритувчи субъект ўз капиталини фойда олиш учун қанчалик самарали ишлатишини кўрсатади.

2.3. Савдо рентабеллиги:

$$СР = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Даромад}} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткич барча харажатлардан сўнг даромаднинг соф фойда сифатида қолган фоизини кўрсатади.

2.4. Инвестициялар рентабеллиги:

$$ИР = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Умумий инвестициялар}} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектга сарфланган маблағлар фойда олиш учун қанчалик самарали хизмат қилишини баҳолаш имконини беради.

3. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлигини ва қарз берувчилар ҳамда етказиб берувчилар каби ташки омиллардан мустақиллигини акс эттиради. Уларнинг асосий кўрсаткичлар қўйидагилар:

3.1. Мустақиллик коэффициенти

$$МК = \frac{\text{Ўз капитали}}{\text{Умумий капитал}} \times 100\%$$

Ушбу коэффициент корхона умумий капиталидаги ўз капиталининг улушкини кўрсатади. Коэффициент қанчалик юқори бўлса, хўжалик юритувчи субъектнинг қарз маблағларидан шунчалик мустақилиги билдиради.

3.2. Қарзлар ва ўз капитали ўртасидаги нисбатлар:

$$\mathbb{KK} = \frac{\text{Қарзга олинган капитал}}{\text{Ўз капитали}}$$

Бу кўрсаткич капиталга қанча қарз маблағлари тўғри келишини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг юқори қиймати хўжалик юритувчи субъект учун катта қарз мажбуриятлари билан боғлиқ юқори таваккалчиликларни кўрсатиши мумкин.

3.3. Хусусий капиталнинг ҳаракатчанлик коэффициенти:

$$ХХК = \frac{\text{Айланма активлар} - \text{Захиралар}}{\text{Ўз капитали}}$$

Ушбу кўрсаткич ўз капиталининг қанча қисми захиралар билан боғлиқ бўлмаган айланма активларни молиялаштириш учун ишлатилишини кўрсатади.

4. Тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичлари. Тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичлари (ёки товар айланмаси коэффициенти) хўжалик юритувчи субъект ўз ресурсларидан даромад олиш учун қанчалик самарали фойдаланаётганини баҳолашда ёрдам беради. Асосий кўрсаткичлар:

4.1. Активларнинг айланиши коэффициенти:

$$ААК = \frac{\text{Даромадлар}}{\text{Ўртacha активлар}}$$

Бу кўрсаткич хўжалик юритувчи субъекти активларининг ҳар бир сўми қанча даромад келтиришини кўрсатади.

4.2. Захираларнинг айланиши коэффициенти:

$$ЗАК = \frac{\text{Сотилган маҳсулотнинг таннархи.}}{\text{Ўртacha захиралар}}$$

Бу кўрсаткич хўжалик юритувчи субъекти ўз захираларини маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун қанчалик тез ишлатишини акс эттиради.

4.3. Дебитор қарздорлик айланиши коэффициенти:

$$ДҚАК = \frac{\text{Даромадлар}}{\text{Ўртacha дебитор қарздорлик}}$$

Бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврда дебиторлик қарзларини неча марта йиғишини кўрсатади.

5. Қарздорлик кўрсаткичлари. Қарздорлик кўрсаткичлари мажбуриятларнинг тузилишини ва унинг ташқи молиялаштиришга боғлиқлигини кўрсатади. Улар хўжалик юритувчи субъектнинг қарз юки билан боғлиқ молиявий хавфларини баҳолашга ёрдам беради:

5.1. Умумий қарз коэффициенти:

$$УКК = \frac{\text{Умумий мажбуриятлар}}{\text{Умумий активлар}}$$

Ушбу коэффициент хўжалик юритувчи субъект активларининг қанча қисми қарз мажбуриятлари хисобига молиялаштирилаётганини кўрсатади.

5.2. Узоқ муддатли қарз коэффициенти:

$$УМҚК = \frac{\text{Узоқ муддатли мажбуриятлар}}{\text{Умумий активлар}}$$

Ушбу кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ муддатли мажбуриятлари билан боғлиқ қарз юки даражасини тавсифлайди.

Молиявий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашда муҳим воситаси сифатида хизмат қиласди. Уларнинг турли жиҳатлари бўйича таснифи ликвидлик ва рентабелликни, молиявий барқарорликни ва хўжалик юритувчи субъект ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқроқ баҳолаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичлардан биргаликда фойдаланиш бошқарувга, инвесторларга ва бошқа манфаатдор томонларга хўжалик юритувчи субъектни бошқариш ва молиялаштириш бўйича онгли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Муваффакиятли компанияларда молиявий таҳлиллар бошқарув билан бирга олиб борилади, бу эса салбий тенденцияларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда мақсадларга эришиш учун ижобий тенденцияларни кучайтиришга имкон беради.

Ҳар қандай тижорат корхонасининг асосий мақсади максимал фойда олишdir, бу ҳам тадбиркорлик фаолияти ва тижорат хавфи учун мукофотdir. Даромаднинг ўсиши корхонанинг янада иқтисодий ривожланиши ва унинг шериклар билан молиявий муносабатларини мустаҳкамлаш учун асос яратади, ўзини ўзи молиялаштириш, иқтисодий фаолият турларини кенгайтириш, ходимларни ижтимоий ва моддий рафбатлантириш муаммоларини ҳал қилиш учун шарт-шароитлар яратади. Фойданинг етарли бўлмаган ҳажми ва унинг салбий динамикаси молиявий таваккалчиликларнинг кўпайиши бизнеснинг самарасизлигини кўрсатади, бу эса асосий молиявий кўрсаткичларнинг

банкротликкача ёмонлашишига асос бўлади. Шундай қилиб, молиявий кўрсаткичлар иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида корхонанинг натижадорлигини, унинг ишчанлик сифатларини, ишончлилиги ва молиявий фаровонлигини баҳолаш мезонларини шакллантириш тизимида муҳимлик даражасини янада оширади [13].

Хулоса. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектининг молиявий ҳолатини текшириш, таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш учун унинг фаолиятига қараб усул ва ёндашувлардан фойдаланиш таҳлилчининг малакаси ва маҳоратига боғлик. Шундай экан инсон омили қатнашган жараёнларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш қимматга тушуши ва шубҳасиз хато ёки камчиликка йўқ қўйилиши мумкин. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, молиявий кўрсатгичларнинг таҳлилини самарали ва тезкор олиб бориш имконини беради. Молиявий таҳлил қилишда маълумотларнинг автоматлаштирилган тизимларидан (ERP, CRM, BI платформа ва х.к.) фойдаланиш ҳамда молиявий прогнозлаш, BigData ва сунъий интелект (AI) асосида ҳисоблашда янада самарали натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун молиявий кўрсатгичлар асосида таҳлиллаш жараёнларини унинг таснифига қараб автоматлаштирилган ёки чуқур интелектуал таҳлиллаш ахборот тизимларини янада мукаммал яратиш талаб этилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. (13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сон Қарори.
4. Шегурова, В. П. Сравнительная характеристика различных методик рейтинговой оценки финансового состояния промышленного предприятия / В. П. Шегурова, Е. В. Леушина. — Текст : непосредственный // Экономическая наука и практика : материалы III Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2014 г.). — Т. 0. — Чита : Издательство Молодой ученый, 2014. — С. 80-84. — URL: <https://moluch.ru/conf/econ/archive/94/5387/> (дата обращения: 27.11.2024).
5. Hussein M. Q. S., Saeed N. A., Ahmad G. S. Financial ratios analysis and companies' liquidity evaluation //Journal of Global Economics and Business. – 2023. -Т. 4. -№. 14. -C. 60-75.
6. Agirman E., Yilmaz O. Value of financial ratios in predicting stock retuns: a study on borsa istanbul (bist) //Journal of Business Economics and Finance. – 2018. – Т. 7. – №. 2. – С. 191-199.
7. Козлов Сергей Николаевич, Зинина Ольга Сергеевна Классификация основных показателей финансового состояния сельскохозяйственных организаций // АНИ: экономика и управление. 2018. №4 (25).
8. Zhao C. et al. Financial indicators analysis using machine learning: Evidence from Chinese stock market //Finance Research Letters. – 2023. – Т. 58. – С. 104590.
9. Kotane I., Kuzmina-Merlino I. ASSESSMENT OF FINANCIAL INDICATORS FOR EVALUATION OF BUSINESS PERFORMANCE //European integration studies. – 2012. -№. 6.
10. Владыкин А. А., Чурсина Ю. А. Финансовый анализ как инструмент эффективного управления бизнес-процессами в хозяйствующих субъектах // Интернет-журнал Науковедение. 2014. № 2 (21). С. 17.

11. Рябец П. С., Бондаренко Т. Н. Анализ факторов, влияющих на финансовые результаты деятельности предприятия //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – №. 6-4. – С. 761-764.
12. Касимова Д. М. ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ КАК ИНСТРУМЕНТ УПРАВЛЕНИЯ ХОЗЯЙСТВУЮЩИМИ СУБЪЕКТАМИ //Управление социально-экономическим развитием пред-приятий, отраслей, регионов: проблемы и перспективы: сб. – 2023. С. 180.
13. Levytska S. et al. Analysis of business entities' financial and operational performance under sustainable development. – 2018.

СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В УПРАВЛЕНИИ ПРОЦЕССАМИ РЕГИСТРАЦИИ ПАЦИЕНТОВ В МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Хазраткулов Дмитрий Сергеевич

Студент филиала Казанского (Приволжского) федерального университета в городе
Джизаке

Аннотация: В данной работе рассматриваются современные информационные технологии, используемые в управлении процессами регистрации пациентов в медицинских учреждениях. Анализируются основные проблемы традиционной системы регистрации.

Ключевые слова: информатизация, регистрация, пациенты, медицина, автоматизация, технологии, цифровизация, безопасность, эффективность, обслуживание

MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE MANAGEMENT OF PATIENT REGISTRATION PROCESSES IN MEDICAL INSTITUTIONS

Abstract: This paper examines modern information technologies used in managing the patient registration processes in healthcare institutions. The main issues of the traditional registration system are analyzed, such as long waiting times.

Keywords: informatization, registration, patients, medicine, automation, technologies, digitalization, security, efficiency, service.

TIBBIY MUASSASALARDA BEMORLARNI RO‘YXATGA OLİSH JARAYONLARINI BOSHQARISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

Annotatsiya: Ushbu ishda tibbiyot muassasalarida bemorlarni ro‘yxatga olish jarayonlarini boshqarishda ishlataladigan zamonaviy axborot texnologiyalari ko‘rib chiqiladi. An’anaviy ro‘yxatga olish tizimining asosiy muammolari tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: informatizatsiya, ro‘yxatga olish, bemorlar, tibbiyot, avtomatlashtirish, texnologiyalar, raqamlashtirish, xavfsizlik, samaradorlik, xizmat ko‘rsatish.

Введение: Внедрение современных информационных технологий в медицинские учреждения значительно улучшает качество предоставляемых услуг, повышает эффективность управления пациентопотоком и сокращает время ожидания. Одним из ключевых аспектов цифровизации здравоохранения является автоматизация процессов регистрации пациентов. Использование инновационных решений, таких как электронные